

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЖАЕВ АЗИЗХОН САИДАЛОХОНОВИЧ**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК**  
**ТАҲЛИЛИ**  
**(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Хожаев Азизхон Саидалохонович**

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари  
фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили (Фарғона вилояти  
мисолида)..... 3

**Хожаев Азизхон Саидалохонович**

Экономико-статистический анализ деятельности фермерских хозяйств,  
специализированных в плодовоовощеводстве (на примере Ферганской  
области) ..... 27

**Khojayev Azizkhon Saidalokhonovich**

The economical and statistical analysis of the farms activity specialized in  
fruit and vegetable growing (on the example of Fergana region) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЖАЕВ АЗИЗХОН САИДАЛОХОНОВИЧ**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК**  
**ТАҲЛИЛИ**  
**(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt152 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғойибназаров Баҳодир Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Носир Махмудович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, жумладан, мева-сабзавотчилик соҳаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Расмий статистик маълумотларга кўра, жаҳон аҳолисининг сўнгги 20 йил ичида мева-сабзавотчилик маҳсулотларига бўлган талаби йилига ўртача 5-7 фоизга ўсиб бормоқда<sup>1</sup>. Бу борада АҚШ, Япония, Исроил ва Европа Иттифоқи давлатлари тажрибасида соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, илғор инновацияларни жорий этиш, соҳани иқтисодий-статистик тадқиқ этиш орқали давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни тизимли шакллантириш, соҳани кластерлаш каби замонавий шаклларда фаолиятлари самарали йўлга қўйилган.

Сўнгги йилларда жаҳонда юзага келган озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин жаҳон миқёсида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳоли сони ва уларнинг талаблари ўсишидан орқада қолаётганлиги мазкур масала ўз илмий ечимини топа олмаётганлигини кўрсатади. Шу боис соҳани барқарор ривожлантириш, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ихтисослаштириш, инновацион технологиялар ва усулларни қўллаш орқали ихтисослашган фермер хўжаликлари сонини оптималлаштириш, самарадорлик даражасини комплекс статистик тадқиқ этиш, рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳаси аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиб, ўтган йиллар давомида соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ...фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»<sup>2</sup> билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар

<sup>1</sup>[http://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Improving\\_Productive\\_and\\_Export\\_Potential/un\\_uzb\\_Improving\\_Productive\\_%20and\\_Export%20Potential.pdf](http://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Improving_Productive_and_Export_Potential/un_uzb_Improving_Productive_%20and_Export%20Potential.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

самарали ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳудудларидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш юзасидан илмий таклифлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бу эса мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармонлари, 2018 йил 2 июлдаги «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3824-сонли, 2017 йил 6 ноябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3377-сонли қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий масалалари, фермер хўжаликлари фаолиятларини ўрганиш масалалари хорижлик олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, Ж.М.Шурбах, С. Шиона, С.С.Шенойлар томонидан тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш, сотиш бозорларини ривожлантириш муаммолари Б.И.Смагин, Л.В.Агаркова, И.А.Баранов, Н.А.Попов, А.В.Афанасьева, М.А.Соломахин, Н.И.Грековлар<sup>4</sup> томонидан ўрганилган.

<sup>3</sup>Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. –М.: 2001. С.68.; Jan Mathis Schopbach «Foreign direct investment in agriculture the impact of out grower schemes and large-scale farm employment on economic well-being in Zambia» Master of Arts, University of Zurich accepted on the recommendation of Prof. Dr. Rolf Kappel, examiner Prof. Dr. Isabel Gonther, co-examiner Prof. Dr. Jann Lay, co-examiner, diss. eth no. 22287 2014. – p. 21-28.; Susan Chiona, BSc «Technical and allocative efficiency of smallholder maize farmers in Zambia» A thesis submitted to the University of Zambia in partial fulfillment of the requirements of the degree of Master of Science in Agricultural Economics, The University of Zambia Lusaka, 2011.-p.64.; Sajna S. Shenoy. Food tourism and the culinary tourist. Clemson University, 2005.

<sup>4</sup>Смагин Б.И. Экономический анализ и статистическое моделирование аграрного производства. Монография. Мичуринск: Издательство МичГАУ, 2007. – 170с.; Агаркова Л.В. Формирование механизма устойчивого развития плодоовощного подкомплекса: теория и практика.– Ставрополь: Ставролит, 2007. –С.168.; Баранов И.А. Совершенствование коммерческой работы торговых и заготовительных организаций потребительской кооперации. Автореф. дисс. д-ра экон. наук. – М.: РГБ, 2003. – С.39.; Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. –М.: Дело и сервис, 2005. – С.56.; Афанасьева А.В. Статистическая оценка динамики производства

Ўзбекистон Республикасида эконометрик моделлаштириш, қишлоқ хўжалигини тадқиқ этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни иқтисодий-статистик таҳлил этиш, бошқариш ҳамда самарадорлигини янада ошириш масалалари Н.М.Соатов, Ё.А.Абдуллаев, Т.Ш.Шодиев, А.Абдуғаниев, Ғ.Х.Қудратов, А.М.Жўраев, Р.Х.Хусанов, А.Қодиров, Ф.Дусматов, Қ.Чориев, Н.С.Хушматов, Н.Р.Асадулина, А.Х.Бурҳонов, М.Мирзаев, Ч.Муродов, Ф.Назарова, У.Умурзоқов, Х.Хушвақтова, У.С.Мухиддинова, И.К.Жумаев, Ш.Т.Эргашева, М.Рахматов<sup>5</sup> каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишлари мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорининг самарадорлиги муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Лекин мазкур тадқиқотларда ҳудудий даражаларда соҳанинг статистик тадқиқотларини ташкил этиш масалаларига етарли эътибор берилмаганлиги мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари

---

сельскохозяйственной продукции в системе государственного регулирования продовольственного рынка. Автореф.дисс. на соис.канд. экон. наук. – Самара.2008. –С.26.; Соломахин М.А. Основные направления совершенствования системы ведения садоводства в условиях развития агропромышленной интеграции.// Организационно-экономические проблемы стабилизации и развития аграрного сектора экономики. Том 1: Материалы научно-практической конференции 9-10 ноября 2005 г. Мичуринск: Изд-во ФГОУ ВПО МичГАУ, 2005. – Том 1. -С.153-159.; Греков Н.И. Основные направления и факторы интенсификации садоводства.// Организационно-экономические проблемы стабилизации и развития аграрного сектора экономики. Том 1: Материалы научно-практической конференции 9-10 ноября 2005 г. Мичуринск: Изд-во ФГОУ ВПО МичГАУ, 2005. – Том 1. -С.164-166.

<sup>5</sup>Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. -Б.743.; Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик. -Т.:Ўқитувчи, 2002. -Б. 592.; Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.:Фан, 1986. -С.168.; Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – Б. 340.; Қудратов Ғ.Х., Акрамов Э. Реформирование сельского хозяйства Республики Узбекистан: Задачи принципы и основы направления реформ. // Сельское хозяйство Узбекистана. –Т.: 2000.- № 6.–С. 2-4.; Жўраев А.М., Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы –Т.: Узбекистан, 2002. –С.766.; Хусанов Р.Х., Дўстмуродов Р. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси// –Т.: Янги аср авлоди. 2008. –Б.49.; Кадыров А.М., Дусматов Ф.Д. Инновационные инвестиционные факторы развития агропромышленного комплекса – Т.: ИЭАНРУз, 2009. – С.52.; Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.132.; Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодовоощного комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс.на соис. учен. степ. канд. экон. наук. – Т.:–2006.–С.158.; Бурҳонов А.Х. Турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.– Т.: ЎзБИИТИ, 2000. –Б.117.; Мирзаев М.М. Мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш. – Т.–2006. Р.Р.Шредер ИТИ–Б.100.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Иқт.фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: – 2001. – Б.46.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.–Т.:–2001.–Б.290.; Умурзаков У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан). Автореф. дисс. на соис. учен. степ. д-ра экон. наук. – Т.:–2003. – С.43.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. Иқт.фан. ном.илм.дар. олиш учун ёзилган дис. автореф.– Т.: –2005. –Б.25.; Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. Иқт.фан.док.илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2010. –Б36.; Жумаев И.К. Фермер хўжаликлари ривожланиш тенденциялари ва истикболларини эконометрик башоратлаш. Иқт.фан.док.илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2011. –Б43.; Очилов С., Эргашева С. Қишлоқ ва сув хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: 2008. –Б.192.; Рахматов М. Развитие плодовоощного подкомплекса в Ферганской области. Автореф. дисс.на соис. кан. экон. наук. –Т.: 1989. –С.24.

режасининг «Худудда замонавий технологияларни жорий этиш асосида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** худудларда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий-статистик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ҳамда услубиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигидаги асосий тенденцияларни статистик усулларда таҳлил қилиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

вилоят фермер хўжаликларида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўп омилли статистик таҳлилинини амалга ошириш;

мева-сабзавотчилик соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни қиёсий ўрганиш асосида, улардан самарали фойдаланиш механизмларини аниқлаш;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини кластерлаш асосида статистик жиҳатдан баҳолаш йўлларини тадқиқ қилиш;

вилоятда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожланиш ҳолатини статистик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда истиқболларини прогнозлаш;

худудларда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона вилоятидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш, динамика қаторлари, иқтисодий индекслар ва корреляцион-регрессион таҳлил, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рақамли иқтисодиёт талабларига мувофиқ иқтисодий жараёнларни статистик қайд этишдаги такрорий ҳолатларни унификациялаш ҳамда динамик жараёнларни баҳолаш қамровини кенгайтирувчи жамлама статистик кўрсаткичлар таклиф этилган;

бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур бўлган статистик ахборотларнинг ишончлилиги, аниқлилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 1-FX фермер хўжалиги фаолияти тўғрисидаги йиллик давлат статистика ҳисобот шаклининг мазкур хўжалик субъектлари томонидан фойдаланилмайдиган бўлимларини мазмунан ихчамлаштириш асосида соддалаштирилган варианты ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятида кластерлашнинг «уруғ-кўчат – маҳсулот – тайёрлаш – сақлаш – қайта ишлаш – логистика – сотиш» бўйича ягона занжири асосида статистик баҳолашнинг интеграциялашган (жамлама, интеграл, хусусий ва натурал) кўрсаткичлари тавсия этилган;

мева-сабзавотчилик тармоғининг асосий ривожланиш тенденцияларидаги натижавий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, фойда, фойдалилик даражаси ва бошқалар)нинг кўп омилли эконометрик таҳлили асосида 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавотчилик соҳасининг ҳозирги даврдаги динамикасини тизимли таҳлили асосида муаммоларни аниқлаш, динамик жараёнларни баҳолаш қамровини кенгайтирувчи жамлама статистик кўрсаткичлари фермер хўжаликлар фаолиятида фойдаланиш учун тавсия этилган;

ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятида фойдаланиладиган 1-FX йиллик давлат статистика ҳисоботининг мазмунан ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган варианты ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчилик соҳасини яхлит тизим сифатида иқтисодий-статистик жиҳатдан ўрганиш, ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини статистик баҳолаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда кластерлашдан фойдаланиш йўллари тавсия қилинган;

мева-сабзавотчилик тармоғи асосий ривожланиш тенденцияларидаги натижавий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, фойда, фойдалилик даражаси ва бошқалар)нинг кўп омилли эконометрик таҳлили асосида ўрта муддатли 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий олимлар олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари асосида, фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги ҳудудларда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга доир қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни ваколатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар қабул қилиш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, соҳадаги статистик ҳисоб-китобларни такомиллаштиришда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишида мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ қилиш усуллари, ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини илғор инновацияларни жорий этган ҳолда статистик жиҳатдан баҳолаш, илмий-назарий хулосалардан олий ўқув

юртларида «Статистика», «Иқтисодий статистика» каби фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, такомиллаштириш ва таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рақамли иқтисодиёт талабларига мувофиқ иқтисодий жараёнларни статистик қайд этишдаги такрорий ҳолатларни унификациялаш ҳамда динамик жараёнларни баҳолаш қамровини кенгайтирувчи жамлама статистик кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/1-01-17/1-232-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ҳудудлардаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини жамлама статистик кўрсаткичлар орқали баҳолаш, олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини ва шаффофлигини таъминлаш имкониятлари кенгайган;

бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур бўлган статистик ахборотларнинг ишончилиги, аниқчилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 1-FX фермер хўжалиги фаолияти тўғрисидаги йиллик давлат статистика ҳисобот шаклининг мазкур хўжалик субъектлари томонидан фойдаланилмайдиган бўлимларини мазмунан ихчамлаштириш асосида соддалаштирилган варианти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси амалий фаолиятида фойдаланишга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/1-01-17/1-232-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ҳудудларда мева-сабзавотчиликка оид статистик ахборотларни тўлақонли шакллантиришга, кам вақт ва маблағ сарфлаб, юқори натижаларни олишга, тақдим қилинаётган ҳисоботлардаги статистик ахборотларнинг ишончилигини, аниқлигини ҳамда шаффофлигини таъминлашга имконият яратилган;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятида кластерлашнинг «уруғ-кўчат – маҳсулот – тайёрлаш – сақлаш – қайта ишлаш – логистика – сотиш» бўйича ягона занжири асосида статистик баҳолашнинг интеграциялашган (жамлама, интеграл, хусусий ва натурал) кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/1-01-17/1-232-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мева-сабзавотчилик соҳасидаги натижавий кўрсаткичлар билан омил кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро статистик боғланишларнинг таъсирини аниқлаш, фермер хўжаликлари фаолиятини интеграциялашган кўрсаткичлар асосида комплекс статистик баҳолаш имкониятларини кенгайтирган;

мева-сабзавотчилик тармоғининг асосий ривожланиш тенденцияларидаги натижавий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, фойда, фойдалилик даражаси ва бошқалар)ни кўп омилли эконометрик таҳлили асосида 2020-2025 йиллар учун таклиф этилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/1-01-17/1-232-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ҳудудлардаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий фаолиятини кўп вариантли статистик прогнозларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур иш натижалари 4 та халқаро, 15 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 31 та илмий мақола ва тезислар чоп қилинган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро журналларда 4 та, маҳаллий журналларда 6 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этишининг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида мева-сабзавотчилик соҳасини статистик ўрганишнинг назарий-услубий асослари, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар ва тенденцияларни статистик баҳолаш, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини статистик тадқиқ этиш усуллари баён этилган.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида ҳукумат томонидан мева-сабзавотчилик, полизчилик ва узумчиликни ривожлантириш борасида кўплаб ташкилий ишлар қилиниб, жумладан, ихтисослашган ширкат ва бошқа хўжаликлар фаолияти тугатилиб, уларнинг ўрнига мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Бугунги кунда соҳа олдида турган долзарб вазифа – мева-сабзавотчилик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, барқарор экспорт салоҳиятига, тежамкорлик ҳисобига юқори иқтисодий

самарадорликка эришишдан иборат. Шунингдек, мамлакатда аҳоли сони ошаётганлигини инобатга олсак, соҳада бирламчи қайта ишлаш корхоналарининг барпо этилиши, ташқи ва ички бозор талабларининг кескин ўзгариши аҳолини зарурий мева-сабзавотлар билан таъминлашни назарда тутиб, мева-сабзавотчилик соҳасини комплекс тарзда мамлакат ҳудудларида ривожлантиришни тақозо қилади<sup>6</sup>. Бу, ўз навбатида, мева-сабзавот, полиз экинлари, узум навларидан тўғри фойдаланиш, мева-сабзавот экинлари ялпи ҳосили, ҳосилдорлигини мунтазам ошира бориш ҳамда соҳада меҳнатни тўғри ташкил этиш, тупроқ-сув, ҳарорат-интенсив омиллардан янада тўлароқ фойдаланиш, мева-сабзавотчилик соҳаси ривожланиши, шунингдек, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ҳудудлар миқёсида ўрганиш, улар ривожланишининг иқтисодий жиҳатларини чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Статистиканинг мазкур йўналиши бозор шароитида қишлоқ хўжалиги тармоғининг муҳим қисмини комплекс ва тизимли ўрганиш усуллари, қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик жорий ҳолати, етиштириладиган маҳсулотлар таркиби ва ҳажми, тузилиши, сифати, ер ресурслари салмоғи, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил каби кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ўрганиб, келгусида соҳани самарали бошқаришга доир қабул қилинадиган қарорлар самарадорлигига, келгуси истиқболини аниқлашга бевосита таъсир кўрсатади. Мева-сабзавотчилик статистикасининг предмети соҳада содир бўлаётган оммавий-ижтимоий ҳодисаларнинг ўлчамлари ва миқдорий нисбатлари, уларнинг боғланиш ва ривожланиш қонуниятларини муайян замон ва маконда миқдорий аниқликда баҳолаб, жараённинг объектив ҳоссабини аниқлайди.

Олиб борилган тадқиқот ишида ишлаб чиқариш функцияси асосида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти миқдор ва сифат жиҳатдан статистик таҳлил этилган. Ушбу таҳлилда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосида мамлакатимизнинг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаларини стратегик ривожлантириш аҳамиятли ҳисобланади.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштиришда ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланилган, яъни:

$$Y(K, L) = AL^{\alpha} K^{\beta},$$

бу ерда:

L – меҳнат сарфлари (йиллик жами киши соатда);

K – капитал харажатлар жами асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати ёки соҳага киритилган инвестициялар ҳажми. Ушбу омил таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг табиий ресурсларидан бири – ер ҳолати ва унинг унумдорлиги, шунингдек, капитал харажатлар таркибида минерал ва органик ўғитлар сарфлари ҳам инобатга олинган;

---

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)

А – меҳнат сарфи ва капитал харажатлардан ташқари бошқа умумий омиллар таъсири;

б ва в – ўзгармас миқдорлар, меҳнат (L) ва капитал (K)нинг ишлаб чиқариш эластиклик коэффициентлари.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишида омилларнинг тебраниши доимий ёки оддий ҳол деб юритилади. Агар маҳсулот ҳажми омилларга нисбатан ўзгариши камроқ бўлса, унда омилларнинг тебраниши ҳам камроқ ёки кўпроқ, унинг қайтими ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Функциянинг даражалари:

$$б + в < 1,$$

бўлса, қайтими яъни самара пасаювчи

$$б + в > 1,$$

бўлса, самара ортувчи деб юритилади.

Тадқиқотлар асосида мазкур соҳадаги мавжуд статистик ахборотлар мажмуасига кўра ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга<sup>7</sup>:

$$Y = 2,384 K^{1,816} L^{0,361}$$

$$R^2=0,876; \quad S_y=3,26 \%; \quad D_w=2,68$$


Ушбу натижалар F критерияси билан текширилди. Бунда  $F_{\text{амал}} > F_{\text{наз}}$  асосида  $0,876 > 0,303$  эканлиги аниқланди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, меҳнат ва капитал сарфлари йиғиндиси (2,177) бирдан катта бўлганлиги учун, айтиш мумкинки, L ва Kнинг кўлам самараси ижобий экан. Бундай самара ишлаб чиқариш учун ҳам ижобий самара беради, деб айтишга асос бўлади.

Озод ҳад ёки 2,384 коэффициенти ишлаб чиқариш ўлчами ёхуд ишлаб чиқариш функциясига меҳнат ва капитал сарфларидан ташқари бошқа омиллар (ресурслар) таъсири ҳам аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш функциясини чизикли ҳолга келтиришда логарифмлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари статистикасига ҳисобот йилидаги мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ҳосилидан олинган хом ашё маҳсулотлари, мевалар, полиз экинлари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати, кўп йиллик ёш кўчатлардан олинган маҳсулотлар, уларнинг мева берадиган давригача бўлган қиймати, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг ўзгариши, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишки ва келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишлари киритилади.

Мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этишда соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш зарур. Шунинг учун ҳам мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этишнинг мантиқий кетма-кетлигини аниқлаш ва унинг услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ (1-расм).

<sup>7</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**1-расм. Мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этиш босқичлари<sup>8</sup>**

Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини статистик тадқиқ этишда статистик усуллардан фойдаланиш зарур. Улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий аҳамияти ошиб, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш жараёнидаги асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги, ички аниқланмаган имкониятлар ва захираларни топишда, пировард натижада қишлоқ хўжалигини прогнозлаш ва самарали бошқаришни ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Қуйида мева-сабзавотчилик соҳасида иқтисодий жараёнларни статистик тадқиқ этишнинг учта асосий усулларини келтирдик:

биринчидан, умумий статистиканинг классик усуллари. Уларга статистик гуруҳлаш, вариация, танланма усул, статистик баҳолаш, вақтли қаторларнинг статистик таҳлили каби усуллар;

иккинчидан, замонавий статистика усуллари. Уларга кўп омилли статистик таҳлил, дисперсион таҳлил, ковариацион таҳлил;

учинчидан, тадқиқот операцияларининг стохастик моделлари, стохастик дастурлаш, захираларни бошқаришнинг стохастик усуллари киради.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг муайян афзалликлари ва имкониятлари мавжуд. Бу ўз навбатида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришни ва соҳани модернизациялашни талаб этади. Тадқиқот ишида мева-сабзавотчилик соҳасини модернизациялашда иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, технологик, молиявий ва ташкилий омиллар тадқиқ этилди. Мазкур омилларни статистик баҳолаш ва тўғри ҳисобга олиш келгусида ҳудудларда мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

<sup>8</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фарғона вилоятида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини статистик таҳлил этиш ва баҳолаш**» деб номланиб, унда Фарғона вилоятида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳолатининг иқтисодий-статистик таҳлили, фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятини статистик баҳолаш услуби, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт салоҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар статистик таҳлил этилган.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Жумладан, республикада етиштирилган мева-сабзавотчилик маҳсулотларидаги улуши мева-резаворларда 12 %ни, узум етиштиришда 9%ни, сабзавотларда 8%ни, полиз маҳсулотларида 3%ни ташкил қилади. 2010-2017 йилларда вилоятдаги ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили ўртача 223,5 минг тонна мева ва резаворлар, 36,5 минг тонна полиз экинлари, 127,2 минг тонна сабзавотлар, 14,5 минг тонна узум етиштирилди.

Вилоятда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг улуши мева-резаворларда 65%ни, полиз экинларида 61%ни, сабзавотларда 19%ни, узум етиштиришда 15%ни ташкил этди.

Фарғона вилоятида 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 14954 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, пахтачилик ва ғаллачиликда – 4319 та (ўртача ажратилган ер майдони 57,5 га), сабзавот-полизчиликда – 668 та (ўртача ажратилган ер майдони 9,6 га), боғдорчилик ва узумчиликда – 5 та (ўртача ажратилган ер майдони 118,8 га), боғдорчилик соҳасида – 8769 та (ўртача ажратилган ер майдони 5,9 га), узумчилик соҳасида – 51 та (ўртача ажратилган ер майдони 20,3 га), чорвачилик ва бошқа йўналишларида – 1142 та.

Вилоят фермер хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларида, яъни мева-резаворларда Қувасой шаҳри (52,6 минг тонна), Қува (47,8 минг тонна), Фарғона (34,9 минг тонна), Ўзбекистон (26,4 минг тонна), Риштон (25,2 минг тонна), Бешариқ (24,3 минг тонна) каби туманлар ҳиссаси вилоятда етиштирилган умумий ҳосилнинг 70 фоизини ташкил этади. Полиз маҳсулотлари етиштиришда Ёзёвон (7,1 минг тонна), Учкўприк (5,8 минг тонна), Ўзбекистон (4,6 минг тонна), Боғдод (4,3 минг тонна), Кўштепа (3,7 минг тонна) етакчилик қилиб, вилоят умумий салмоғида 65 фоизни ташкил этади, сабзавот маҳсулотлари етиштиришда Боғдод (20,1 минг тонна), Қувасой шаҳри (15,7 минг тонна), Данғара (12,9 минг тонна), Қува (12,8 минг тонна), Фарғона (11,7 минг тонна) туманлари, узум етиштириш бўйича Бувайда (3,3 минг тонна), Фарғона (2,2 минг тонна), Олтиариқ (2,1 минг тонна), Ўзбекистон туманлари (1,2 минг тонна) вилоятнинг умумий ҳосилида 60 %дан ортиқ улушини ташкил этмоқда<sup>9</sup>.

Тадқиқотда мева-сабзавотчилик соҳасида статистик ахборотларни такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб

<sup>9</sup>Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

чиқилди. Мева-сабзавотчилик соҳасида статистик ахборотлар базаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

давлат статистика идораларининг махсус ташкил этилган кузатув маълумотлари;

фермер хўжаликнинг 1-ҒХ йиллик давлат статистика ҳисоботи шакли;

фермер хўжаликларининг молиявий ҳисоботлари.

Ўз навбатида, мева-сабзавотчилик соҳасида статистик ахборот тизими ҳал этадиган масалалар қуйидагилардан иборат:

статистик маълумотнинг мазмуний қисмини аниқлаш, яъни қайси ахборот зарурлигини белгилаш;

соҳага доир бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни танлаб олишга ёрдамлашиш;

статистик ахборотнинг тезкорлиги, ишончилиги ҳамда зарурий маълумотларни олиш харажатлари ўртасида энг мақбул нисбатни аниқлаш;

статистик маълумотлар олиш тартиби регламенти;

статистик маълумотларга ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, сақлаш, йиғиш, назорат қилиш ва тарқатиш усулларини белгилаш.

Тадқиқотда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди (2-расм).



**2-расм. Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси<sup>10</sup>**

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Фарғона вилоятида охириги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати

<sup>10</sup>Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

нисбатан камайишига қарамасдан, тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган.

«1-FX йиллик Давлат статистика ҳисоботи» ўтган даврдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифодалаб, келгуси йилнинг 15 февралидан кечиктирмай статистика идораларига тақдим этилади.

Тадқиқотда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 1-FX давлат статистика ҳисоботининг соддалаштирилган ва унификация қилинган 13 бўлимдан иборат намунавий янги шакли тавсия этилди. Мазкур янги ҳисобот шакли соддалиги, кам меҳнат ва юқори самара бериши, ҳаммабплиги ва ихчамлиги сабабли келгусида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини статистик жиҳатдан баҳолаш, тақдим этиладиган статистик ахборотларнинг аниқлилигини, шаффофлилигини ва ишончилигини ошириш имконини беради.

Иқтисодий-статистик таҳлилни яхши ўзлаштириш орқали мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг пировард натижаси – фойдага таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсири даражасини ҳисоблаш асосида мавжуд имкониятларни кўрсатиш статистика мутахассислари ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини баҳолаш мақсадида статистик таҳлилни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Маҳсулот етиштириш жараёни ва унинг натижаларини таққослама ҳамда омилли статистик таҳлил қилиш орқали ўрганиш;
2. Маҳсулотларни сотиш ва сифатини ифодаловчи жараёнларни статистик кўрсаткичлар асосида аниқлаш;
3. Хўжаликнинг моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳолати ва улардан фойдаланиш даражасини омилли статистик таҳлил қилиш;
4. Экин турининг ҳосилдорлиги ва унга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлили;
5. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унга таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили;
6. Моддий манфаатдорлик аҳволининг омилли статистик таҳлили;
7. Хўжалик молиявий аҳволи ва унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсир доирасини статистик ўрганиш.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигининг ривожини, шунингдек, аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши билан тавсифланади. Вилоят қишлоқ хўжалик тармоғининг асосий соҳаларига пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, шунингдек, чорвачилик киради.

Тадқиқотда вилоятдаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 2010-2017 йиллардаги ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг ковариацион таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

**Фарғона вилояти мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг ковариацион таҳлили (%да)<sup>11</sup>**

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич белгилари	Йиллар						
		2010	2012	2013	2014	2015	2016	2017
<b>2010 йилга нисбатан индекслар</b>								
Ялпи тушум	$I_t$	100	136,6	181,4	126,7	187,1	143,7	131,5
Ялпи маҳсулот	$I_m$	100	122,6	136,8	147,0	162,2	179,7	112,4
Асосий фондлар ҳажми	$I_a$	100	115,4	116,5	133,0	140,1	122,4	185,5
Моддий харажатлар	$I_x$	100	107,0	113,1	151,0	125,2	170,6	119,0
Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони	$I_i$	100	111,9	98,5	88,5	69,6	83,6	71,1
Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар	$I_{iv}$	100	134,3	126,0	164,5	152,7	109,1	120,2
<b>Олдинги йилга нисбатан индекслар</b>								
Ялпи тушум	$I_t$	-	124,4	106,0	158,2	125,7	130,2	136,1
Ялпи маҳсулот	$I_m$	-	108,3	111,6	107,4	110,3	110,8	62,5
Асосий фондлар кўрсаткичлари	$I_a$	-	111,4	100,9	185,9	132,2	193,7	161,4
Моддий харажатлар	$I_x$	-	102,1	199,3	111,6	127,8	136,3	128,3
Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони	$I_i$	-	109,7	88,0	89,9	78,6	120,1	85,0
Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар	$I_{iv}$	-	140,1	96,4	138,4	72,3	74,0	127,2

Юқоридаги 1-жадвал ковариация кўрсаткичлари таҳлили асосида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятида маҳсулот етиштиришга сарфланадиган материал ва пул ресурслари ҳар бирининг ўзгариши қолган ресурслар ва маҳсулот ҳажмига қай даражада таъсир этиш тенденциялари аниқланди. Ресурс миқдори ўзгариши билан мақсадга эришишнинг юқори чегараси аниқланди. Фермер хўжаликлари ҳисобидаги асосий фондларнинг 2017 йилда 2010 йилга нисбатан 1,85 баробарга ўсганлиги ялпи тушумни 1,31 мартагача ошганлигини, ишловчиларнинг ўртача йиллик сони пасайиб бораётганлиги соҳадан бошқа тармоқларга ўтиши, киритилаётган инвестицияларнинг ошиб бораётганлиги билан тавсифланади. Шунингдек, умумий экин майдонининг қисқариши билан бир қаторда ялпи маҳсулотнинг пасайиши кузатилган. Соҳага киритилаётган инвестицияларнинг салмоғи 1,27 баробарга ошганлиги келгусида янги иш ўринлари яратилиши соҳага қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фарғона вилоятидаги 2015-2017 йилларда мева-резаворлар ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили амалга оширилди (2-жадвал).

<sup>11</sup> Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

**Фарғона вилоятида 2015-2017 йилларда мева-резаворлар ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Мева-резаворлар			2017 йил 2015 йилга нисбатан ўзгариши		Полиз экинлари			2017 йил 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		Йиллар			мутлак	нисбий	Йиллар			мутлак	нисбий
		2015	2016	2017			2015	2016	2017		
1	Экин майдони, га	38651	31686	39476	825	102,1	1191	1093	642	-549	53,9
2	Ялпи ҳосил, тонна	194748	180427	154245	-40503	79,2	42263	45403	30224	-12039	71,5
3	Жами харажатлар, млн.сўм	328260	374209	388127	59867	118,2	12425	9827	6285	-6140	50,6
4	Жами даромад, млн.сўм.	784231	844786	814045	29814	103,8	29637	21770	13181	-16456	44,5
5	Фойда, млн.сўм	455971	470577	425918	-30053	93,4	17212	11943	6896	-10316	40,1
6	1 гектар ердан олинган фойда, млн.сўм	11,8	14,9	10,8	-1,0	91,5	14,5	10,9	10,7	-3,7	74,3
7	Рентабеллик, %	138,9	125,8	109,7	-29,2	79,0	138,5	121,5	109,7	-28,8	79,2

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, вилоятдаги мева-резаворлар майдони 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 825 гектарга кўпайган, полиз маҳсулотлари майдони эса 549 гектарга камайган. Иқтисодий самарадорликка эътибор қаратсак, 2017 йилда 2015 йилга нисбатан ялпи ҳосил камайиши ҳисобига 1 гектар ердан олинган фойда мева-резаворларда 1,0 млн.сўмга ва полиз маҳсулотларида 3,7 млн.сўмга камайган. Демак, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишда мевачиликнинг ривожланиши полизчиликнинг ривожланишига нисбатан самарадорлиги юқори. Шунинг учун ҳам мевачилик фермер хўжаликлари фаолиятида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурслари билан таъминлаш, мева маҳсулотларини ҳимоя қилишга эътибор қаратиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланишининг ўсиш тенденцияларини аниқлашда соҳани кластерлаштириш тизими асосида бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш мақсадида тадқиқ этилаётган йўналиш учун жараённи кластерлаш усулидан фойдаланилган ва унинг схематик кўриниши ишлаб чиқилган (3-расм). Ушбу кластер тизимида фермер хўжаликлари (қишлоқ хўжалик корхоналари) ривожланишига таъсир этувчи иштирокчилар таркиби келтирилган. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик корхоналари ривожига, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини бошқариш ушбу кластер асосида амалга оширилса, соҳанинг стратегик ривожланиши ва иқтисодий самарадорлиги янада ошиши, кўшимча қийматли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиш мумкин.



3-расм. Ҳудудларда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг намунавий варианты

Диссертациянинг учинчи боби «Худудларда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш» деб номланиб, унда мева-сабзавотчилик соҳасини статистик тадқиқ этишдаги илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш йўллари, фермер хўжаликлари фаолиятини эконометрик моделлаштириш, кўп омилли статистик прогнозлаш амалга оширилган.

Фарғона вилояти мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида 1 гектарда етиштириладиган маҳсулот ҳосилдорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар асосида вақтлар бўйича ва кўп омилли функциялар прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун аниқланди. Ўзгарувчан омиллар сифатида  $X_1$  – 1 гектар ҳисобига минерал ва органик ўғитлар, т/га.;  $X_2$  – сув таъминоти, минг м.куб.;  $X_3$  – механизация ва кимёвий ишлов бериш даражаси, %.

Вилоятда 2011-2017 йилларда мева-резавор маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари учун натижавий кўрсаткич  $Y$  – ялпи ҳосил ўлчовини эконометрик таҳлил этишда юқорида таъкидланган  $X_1$ - $X_3$  кўрсаткичлар эгзоген ёки кириш омиллари сифатида қабул қилинди.

